

"Маънавият сектори" фаолиятини йўлга қўйиш бўйича давра сұхбати ўтказилди



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16-17 ноябр кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида воҳада "Маънавият сектори"ни ташкил этиш бўйича "Сурхондарё тажрибаси"ни яратиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Шунга мувофик, бугун Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида "Маънавият сектори" фаолиятини йўлга қўйиш бўйича давра сұхбати ташкил этилди. Унда Термиз туманидаги Мактабгача ва мактаб таълими бўлимни масъуллари, нуронийлар, диний идора вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Давра сұхбатида маҳаллаларда маънавий мухитини юксалтириш, ёшларни оиласвий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Сектор фаолиятини ташкил этиш бўйича дастурга киритилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.